

Бир таниш дугонам бир йилдан бери турмуш ўртоғи билан никоҳсиз яшайди. Сабаби у ИККИНЧИ ХОТИН.

16:03 / 26.04.2016 6402

САВОЛ: Бир таниш дугонам бир йилдан бери турмуш ўртоғи билан никоҳсиз яшайди. Сабаби у иккинчи хотин. Домла шуни рўкач қилиб уларга никоҳ ўқимаяпти. Яқинда фарзанд кўриши мумкин. Дугонам эса никоҳсиз фарзанд кўришни истамайди. Шу вазиятда нима қилиш керак?

ЖАВОБ: Бу ерда ҳозирги кунда иккинчи хотин олаётган эркаклар аёлларни ҳақ ҳуқуқларини бузаётганлиги, иккинчи хотинни ёшроғини топиб олиб у билан бирга бўлиб кетиб, аввалги оиладан бўлган болаларга мутлақо қарамай қуяётганлари ва яна бошқа кўпгина мулоҳазаларни эътиборга олиб имом, домлаларга менинг билишимча иккинчи никоҳни қилмай туриш маъносида иттифоқ бўлган. Шу гап борлигини камина ходимингиз ҳам эшитган. Кўпинча кишиларимиз шариат берган рухсатлардан фойдаланишга жудаям ишқивоз бўлишади-ю, лекин шариат кўрсатган мажбуриятларни адо этишдан мутлақо бош тортишади. Бу ҳозирги кундаги эътибордан баъзи бир кишиларни хотинни устига хотин олиш, маъносида ҳам содир бўлаётгани аниқ. Иккинчи хотинга рухсат экан деб рухсатдан фойдаланишни динга тақаб рукач қилишади, лекин иккинчи хотин олиш билан боғлиқ бўлган диний мажбуриятларни мутлақо ўйлашмайди. Иккинчи хотин олиш қоидаси деган гап йўқ, бу ўша вақтларда шариат қоидаларига мувофиқ эҳтиёжи тушганда, хотинлар ўртасида адолат қилиш шарти билан Аллоҳ таоло рухсат берган. Иккинчи хотиндан туғилган бола валади зино бўладими?- деганлар, никоҳни шартларини тулиқ бажариб никоҳ боғланган бўлса валади зино бўлмайди. Никоҳсиз алоқадан туғилган бола эса валади зино бўлади, чунки унинг дунёга келишига сабаб бўлган эркак ва аёл зино қилган бўлса бир-бирлари билан шундай деб аталади. Аллоҳ таоло шу нарсаларни яхши тушуниб амал қилишликни насиб қилсин.